

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
26 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 77 (13130)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодий тармоқлари-га, ижтимоий ва бошқа соҳаларга за-монавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Респу-бликаси жадал ривожланишининг муҳим шартин ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётган-ни ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари катори-га кириш йўлида тез ва сифатли ил-гариланишни таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва тех-нологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, ди-версификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозор-ларда рақобатбардош маҳсулотлар тур-ларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётгани-ни кўрсатди.

Хусусан, бу борада кўплаб кўрсаткич-ларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар са-марали мувофиқлаштирилмагани сабаб-ли мамлакатимиз сўнгги йилларда ну-фузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инно-вацион индекс рейтингда иштирок этма-япти.

Иқтисодий ва ижтимоий соҳа тар-моқларининг илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, ма-ҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқла-штирилмаётгани бу борадаги биринчи навбатдаги мақсадлар ва вазифаларга эришиш имконини бермаяпти.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқла-ри, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жа-дал ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратеги-ясида белгиланган вазифаларнинг иж-росини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:
2019-2021 йилларда Ўзбекис-тон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси (ке-йинги ўринларда Стратегия деб юри-тилади) 1-иловага мувофиқ;

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ри-вожлантириш стратегиясини амал-га ошириш бўйича "йўл харитаси" (кейинги ўринларда - "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очирилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси эртага, 2018 йил 27 сентябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун, 2018 йил 26 сентябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесига рўйхатга олинади.

Офарин!

Вилоят ҳокимлигида халқаро майдонларда юқори натижаларни қўлга кирити келаётган музаффар спортчиларимизни шарафлашга бағишланган танта-нали маросим бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривож-лантиришнинг мақсадли кўрсаткич-лари (кейинги ўринларда - мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага мувофиқ та-сдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) мамлакатнинг халқаро майдонда-ги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий эт-ганини белгилловчи асосий омил сифа-тида **инсон капиталини ривожлан-тириш - Стратегиянинг бош мақ-садидир**;

б) бош мақсадга эришишда Страте-гиянинг асосий вазифалари ку-йидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инно-вацион индекс рейтингини бўйича жа-ҳоннинг 50 илгори мамлакатни катори-га киришига эришиш;

барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳти-ёжларига мослашувчанлигини таъмин-лаш;

илмий тадқиқотлар ва ишланмалар-нинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш; инновациялар, илмий-тадқиқот, таж-риба-конструкторлик ва технологик иш-ларга давлат ва хусусий маблағлар ки-ритилишини кучайтириш, бу соҳаларда-ги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;

бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали дав-лат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъ-минлаш, рақобатбардош бозорлар таш-кил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусу-сий шериклигини ривожлантириш;

барқарор фаолият юритадиган ижти-моий-иқтисодий инфраструктурани яра-тиш.

3. **2019-2021 йилларда Ўзбекис-тон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ўз вақтида ва сифатли амалга оши-риш бўйича комиссия** (кейинги ўрин-ларда - Комиссия) 4-иловага мувофиқ тузилсин.

Давоми 2-бетда ➡

ЎЗБЕКИСТОН СОВҒАЛАРИ:

ЖАННАТМОНАНД ЮРТДАН ЭСДАЛИК

Миллий қадриятларимиз, анъ-аналаримизни ифодаловчи хунарамандчилик намуналарини кўпайтириш бугуннинг муҳим та-лабидир. Бу туризмин ривожлан-тиришга ҳисса қўйиш билан бир-га маҳаллий хунарамандларимиз-ни янада қўллаб-қувватлашга хиз-мат қилади. Шу мақсадда "Хуна-рамандлар" уюшмаси ташаббуси билан Савдо-саноат палатаси, Маданият, Халқ таълими, Жисмо-ний тарбия ва спорт ишлари ва-зирликлари, Туризмни ривожлан-тириш давлат қўмитаси, Ўзбекис-тон Ёшлар иттифоқи ҳамда бош-қа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Ўзбекистон совғала-ри" биринчи республика кўргаз-ма-савдоси ўтказилди.



Пойтахтимизнинг Са-йилгоҳ кўчасида ташкил этилган кўргазмада рес-публикаимизнинг барча ҳудудларидан 100 нафар-дан ортиқ энг моҳир хуна-рамандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди.

Мазкур кўргазмада ви-лоятимиз хунарамандлари ҳам фаол қатнашиб, кулол-чилик, қўғирчоқ ясаш, каш-тачилик, териға ишлов бериш, заргарлик йўна-лишларида яратган совға-боп буюмлари билан хари-дорларда яхши таассурот қолдиришди.

- Бугунги кўргазма-сав-дога заргарлик буюмлари-мизни олиб келдик, - дей-ди қиравиллик хунараманд Бахтиёр Талибаев. - Маҳ-сулотларимиз кўпчиликида қизиқиш уйғотди. Кўргаз-мада бошқа вилоятдан келган хунарамандлар би-лан дўстлашиб, ўзаро таж-риба ҳам алмашдик.


Давоми 2-бетда ➡

Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР...

Бунёдкорлик

Мамлакатимизда сўнгги йиллар-да йўлсозлик соҳасини ривож-лантириш, йўللари халқаро талаблар даражасига келтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йўлсоз-лар томонидан замонавий йўл, йўл ўтказгич, кўприк, пиёдалар учун ер ости ва ер усти йўллари бунёд этилаётгани аҳолининг узоғини яқин қи-либ, ҳаракат хавфсизлигини таъмин-лашга хизмат қилаётир.



Йўли сознинг - иши соз

3 минг 965 километр умумий, шундан 400 километри халқаро, 1 минг 241 километри давлат ва 2 минг 324 километри маҳаллий аҳамиятга эга йўллар мавжуд бўлган Тошкент вилоятида ҳам бу борада тизимли ишлар амал-га оширилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида Тош-кент - Андижон - Ўш, Тошкент - Самарқанд - Бухоро, Тошкент - Чимён - Чорвоқ йўллари ре-конструкция қилиниб, биринчи тоифага ўтказилди. Тошкент - Чимён - Чорвоқ йўли 2 мил-лиард 924 миллион, Паркент - Заркент - Сўқоқ автомобиль

йўлининг 10 километрлик қисми эса 1 миллиард 65 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига тўлиқ таъмирланди. Бу жараён-да вилоят йўлсозлари "Katerpillar", "Virtgen", "Jibxert", "Xamm", "Fogele", "ABG", "Daynapak", "Hitachi", "Komatsu", "Kato", "Nissan" каби жаҳонда етакчи компанияларнинг замо-навий техника ва ускуналаридан фойдаланишди.

- Довон ошиб, водийга тез-тез бориб тураман, - дейди ан-г-

ренлик Фазлиддин Шокиров. - Авваллари тик тоғ йўлларида кўтарилиш қийин, камига йўллар-нинг ўнқир-қўнқирлиги асаб ва машинанинг заволи эди. "Қамчик" ва "Резак" туннеллари барпо этилгани айна мудоао бўлди. Энди йўл учун ортиқча асаб ва вақт йўқотмаймиз.

Маълумотларга кўра, истиқлол йилларида вилоят ҳудудда 235 километрдан зиёд йўлларда қурилиш ва реконструкция иш-лари бажарилган. Шунингдек, умумий узунлиги 1 минг 200 метрдан ортиқ 10 та йўл ўтказ-гич, қарийб 10 минг 600 метрлик 44 та кўприк қурилиб, рекон-струкция қилинган.

Вилоятда 10 минг 300 кило-метрдан ортиқ ички хўжалик йўллари мавжуд. Транспорт қат-нови хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолига қулай шароит яра-тиш мақсадида қишлоқларда яроқсиз ҳолга келган йўллар босқичма-босқич реконструкция қилиниб, тош-шағал, асфальт-бетон, цемент-бетон ва қора қопламали замонавий йўлларга айлантирилмоқда. Хусусан, бир-гина ўтган йили 120 километр-дан зиёд йўл таъмирланди. Пре-зидентимизнинг "2017-2018 йил-ларда минтақавий автомобил йўлларини ривожлантириш дас-турини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қаро-ри бу борада муҳим дастурил-амал бўлиб хизмат қилаётир.

Давоми 2-бетда ➡

Мавсум

Бу йилги мавсум деҳқонларимиз учун кўп жиҳатдан оғир кел-ди. Баҳор ва ёз ойла-рида кунлар ниҳоятда иссиб, сув тақчиллиги ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

ИХТИЁРИЙ ДАРОМАД БОР, МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ЙЎҚ

Хусусан, ғўза айна ри-вожланиб, ҳосил тўплай-диган июль-август ойла-рида ҳарорат йиллик ўртача меъёрдан юқори бўлгани, турли зарарку-нанда ва касалликлар билан курашишга тўғри келгани муаммолар туғ-дирди. Ана шундай қи-йинчиликларга қарамас-дан, катта тажрибага эга, омилкор деҳқонла-римиз ҳар туп ғўза, ҳар бир чаноқ учун меҳнат қилишди. Энди эса, уларнинг матонатли меҳ-нати эвазига бунёд этил-ган пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғишти-риб олиш вақти келди.

Жорий йил 4 июль куни Президентимиз раислигида ўтказилган селектор йиғилишида давлатимиз раҳбари пах-тачиликда бозор муно-сабатларини кенг жорий этиш, етиштирилаётган маҳсулот ҳажмини бар-қарор ўсишини таъмин-лаш билан бир қаторда фермер хўжаликларининг рентабеллиги оширили-ши зарурлигига эътибор қаратган ҳолда, бу йил пахта йиғим-теримини мутлақо янгича ёндашув асосида ташкил этиш ти-зимини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар бер-ган эдилар.

ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, турмушимиз ободлигини таъ-минловчи қудратли кучдир. Зотан, мамлакатимизда спортчи ёшларга қаратилаёт-ган эътибор, соҳада олиб борилаётган тизимли исло-хотлар, жойларда қад рост-лаётган замонавий ва муҳта-шам спорт иншоотлари спортсевар ёшларимиз учун чинакамига парвоз майдони бўлмоқда.

Қувонарлиси, вилоятимиз

спортчилари бугун кўплаб спорт турлари бўйича нуфуз-ли халқаро мусобақаларда юксак шохсупаларга кўтарил-моқдалар. Уларнинг номлари дунё миқёсида машҳур бўла-ётгани, ҳурмат билан тилга олинаётганидан ҳар қанча гурурлансак, фахрлансак ар-зийди, албатта.

Яқиндагина поёнига етган Осиё ўйинлари натижалари ҳам фикримизнинг тасдиғи-дир. Осиё ўйинлари мамла-катимиз, шу жумладан, вилоя-тимиз спорт учун ҳар томон-

лама муваффақиятли яқунлан-ди. Унда вилоятимиз спорт-чилари 2 та олтин, 7 та ку-муш, 7 та бронза медалларни қўлга киритиш баробарида, барча жабҳаларда рекордлар-ни янгилашди. Вилоятимиз жамоаси республикаимиз миқёсида медаллар сони бўйича иккинчи ўринга сазо-вор бўлди.

Бугун вилоятимизда 4 минг 300 дан ортиқ спорт ин-шоотлари самарали ишлаб турибди. Замонавий спорт заллари, майдонлар, манеж-

лар, сузиш ҳавзаларида 578 мингдан ортиқ ёшларимиз спорт билан мунтазам шугул-ланишмоқда. Вилоят жисмо-ний тарбия ва спорт бош-қармаси тасарруфидаги 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 3 та ихтисос-лаштирилган муассаса, шу-нингдек, махсус футбол мак-таб-интернати ва олимпия захиралари коллежининг ўзи 390 мингга яқин ёшларни қамраб олган.

Давоми 4-бетда ➡

Давоми 3-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

4. Комиссия (А. Н. Арипов):

Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқирилиши ва белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларни, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини, шу жумладан, жойларда ташкил этсин;

ушбу Фармон ижросининг бориши тўғрисидаги батафсил ахборотни ҳар чорада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси киритиб босин.

5. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бўлиналари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари – вазирлик ва идораларнинг Стратегияда ва "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, мақсадли кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, улар ижроси боришини ҳар чорада муҳокама қилиш учун;

вазирлик ва идоралар раҳбарлари – илмий-таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мустақил экспертларни (консультантларни), шу жумладан, хорижий мамлакатлардан кенг жалб этган ҳолда Стратегияда ва "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши,

◀ Бошлангич 1-бета

Ички
туризм

Юртимиз қадимий қадамжолар, тарихий обидаларга бой. Айни пайтда етти мингдан зиёд тарихий, маданий ёдгорликлар рўйхатга олинган.

НУРАФШОНДАН
МЎЙНОҚЧА...

Вилоят Туризмни ривожлантириш департаменти томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, департаменти ходимлари бир гуруҳ блогерлар ҳамроҳлигида саёҳат уюштиришди. "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" шiori остида ўтган тадбирдан кўзланган мақсад, республикамиз шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳат қилиш билан бирга меҳмонлар учун яратилган инфратузилма имкониятлари ҳақида маълумот беришдир.

Тадбир доирасида вилоятимиздан йўлга чиққан "Мўйноқ" поезди юртимизнинг туристик салоҳияти юқори бўлган вилоятлари томон йўл олди.

Департамент ходимлари ва саёҳатчилар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини зиёрат қилиб қайтдилар.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган саёҳат давомида ижодий гуруҳ аъзолари соҳанинг автосаёҳат турлари, туристик объектлар, жумладан, меҳмонхона, мотел, хотел, интернет (Wifi) зоналари, овқатланиш (riskpic) жойлари, мобил алоқа станциялари, йўл бўйлагидаги қурилишлар юзасидан режадаги лойиҳалар билан танишиб, ўзаро фикр алмашишди.

Шунингдек, саёҳатчилар Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилган "Stihia" электрон мусиқа фестивалида иштирок этиб, Орол денгизи муаммолари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлдилар.

Ширинхон МҲМИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН СОВҒАЛАРИ:

ЖАННАТМОНАНД ЮРТДАН ЭСДАЛИК



Шунингдек, истеъмолчиларнинг талаб ва қизиқишларини ўрганиб чиқдик. Келажакда миллий кийимларимиз ва сумкалар учун безаклар яратишни ўйлаб қўйдим.

Кўргазма-савдода шойи, адрас матолардан тикилган миллий либослар, кулолчилик маҳсулотлари, қўғирчоқ ва тақинчоқларга эътибор қатта бўлди. Айниқса, амалий санъат ва ёғоч ўймакорлиги йўналишида яратилган буюмлар хорижликларни хайратга солди.

– Кейинги йилларда халқимиз орасида хунарамандчилик маҳсулотларига бўлган қизиқиш ортиб бораёпти, – дейди зангиоталик

хунараманд Камолиддин Раҳматуллаев. – Кўргазмага қўйилган лавҳ, ўймакорлик товоқлари ва бежирим сандиқчалар сайёҳлар эътиборини тортди.

Кўргазма иштирокчилари хунарамандлар томонидан ўтказилган "Маҳорат дарслари"ни қуза-тиб, ўзларини синаб кўриш имконига эга бўлишди.

– Бугун ўз қўлим билан кашта тикиб кўрдим, – дейди Қўйи чирчилик Зебо Еримбетова. – Бу хунарамандчилик маҳсулотлари билан бирга кўнглим билан кашта кўрдим. Энди бўш вақтла-

Дарҳақиқат, қарийб 22 километр йўл асфальт-бетон қоримаси билан қопланган, 26 метр кенгликда, ҳар бир томони уч полсалони равоон йўл барпо этилгани йўловчиларнинг вақти ва нақдини тежаш имконини бераётир.

Маълумотларга кўра, айни пайтда мазкур йўлда кунига ўртача 20 минг автомобиль, 40 мингга яқин йўловчи ҳаракатланмоқда. Оддий арифметик ҳисоб-китобларга кўра, йўловчиларнинг кунига 20 минг соат, бошқача айтганда, 833 кун ёки 2 йил 3 ой вақти тежалаётгани аён бўлади. Бу бир ойда қарийб 68 йил вақт тежалади, демакдир.

Ўқилиб тежамкорлиги бо-

Янги йўл қурилиши ва унинг аҳамияти ҳақида гап борар экан, "Ўзбек миллий автомагистрал" таркибига кирувчи Гулистон – Оҳангарон йўли қурилишини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. 55 километрлик мазкур йўл Буюк Ипак йўлининг муҳим нуқтаси – водий ва Оҳангарон



ва сайёҳлар билан гавжум бўладиган мазкур мажмуа қаршисидаги кўча экин-яқингача тор ва доим тирбанд эди. Ер ости ўтиш йўли йўқлиги эса кўчанинг бу тарафига шошаётган зиёратчилар, жумладан, автобиллар ҳаракатланишида қийинчилик туғдирарди.



Кенг, текис ва равоон йўллар, замонавий ер ости ўтиш йўллари йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини энгил қилиш, ортиқча вақт йўқотишининг олдини олиш баробарида, йўл ҳаракати билан боғлиқ ноҳус ҳодисалар камайишига хизмат қилмоқда.



ЙЎЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР...

расида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Хусусан, кунига ўртача 20 минг автомобиль ҳаракатланиши ва ўрта ҳисобда 2 литр-грача ёқилғи тежалиши инобатга олинса, бир кунда ўртача 40 минг литр ёқилғи фойдага қолаётгани ойдинлашади. Агар буни энг арзон ёқилғи тури – метан газ мисолида ҳисобласак, кунига 68 миллион сўмлик ёқилғи тежалаётгани аён бўлади. Бу – лойиҳага сарфланган 188 миллирдан 200 миллион сўм маблағ 8 йилга қолмасдан биргина ёқилғи тежалиши ҳисобида тўлиқ қопланишини аниқлашди.

200 га яқин сув ўтказиш иншооти, Чирчиқ дарёси устидадан ўтувчи кўприк, битта темир йўл устидадан ўтган йўл ўтказгич ва тўртта кичик кўприкни ўз ичига олган мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида пойтахт йўлида автобиллардан атмосферага қўйлаб заҳарли газлар чиқаришининг олди олинаётир. Шунингдек, пойтахтнинг Сергели туманидан бошлангич, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қўйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманларини боғлаган ҳолда водийга йўналишланган ушбу йўл бўйлаб намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржой массивлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва маънавий хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилишига замин яратилди.

воҳасини юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи кўприк сифатида, айниқса, ҳудудларни боғлаш масофасини аввалгига нисбатан 75 километргача қисқартиргани билан қимматлидир.

Йўловчи хавфсизлиги –
энг олий мезон

Вилоятда янги йўллар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, йўл ўтказгич ва кўприклар барпо этиш билан бир қаторда аҳолининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида пиёдалар учун ер ости ва ер усти йўллари қуришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2008-2013 йилларда пиёдалар учун атғи битта ер ости йўли қурилган бўлса, сўнгги 5 йилда 4 та ана шундай замонавий йўл фойдаланишига топширилди. Бу эса, ўз навбатида, автомобиль ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланишига замин яратаётир.

Айниқса, зиёратчи ва сайёҳлар билан доимо гавжум бўладиган вилоятдаги тарихий обиди ва муқаддас қадамжоларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш ва кенгайтириш, ер ости ўтиш йўллари ва автобиллар тўхташ жойларини қуриш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Зангиота тарихий-меъморий мажмуасидан мисол. Ҳамиша зиёратчи

– Зангиота зиёратига тез-тез келиб тураман, – дейди самарқандлик Абдурашул Раҳматов. – Илгари обиди қаршисидаги шундоқ ҳам серкатнов йўлда пиёдалар ва транспорт воситаларининг бетартиб ҳаракати турли ноқулайликларни келтириб чиқарарди. Бу галги сафаримда мутлақо ўзгача манзара. Менга таниш зиёратгоҳ биноси, йўл бўйидаги пасткам лойсувоқ уйлар замонавий қиёфа касб этибди. Ер ости йўли барпо этилгани эса жуда яхши иш бўлибди. Илгари тор ва тирбанд кўчадан юракни ҳовуқлаб ўтардик.

Дарҳақиқат, обиди қаршисида пиёдалар учун кенглиги 6, узунлиги 48 метрлик умумий қиймати 11 миллион 266 миллион сўм бўлган ер ости ўтиш йўли, шунингдек, 1000 дан зиёд автоуловни сигдира оладиган 2 та автобиллар тўхташ жойи фойдаланишга топширилди.

Зиёратгоҳ ёнидан ўтувчи Эски Тошкент йўли ҳам тубдан қайта таъмирланди. 3 полсалони йўл кенглиги 16 метр бўлган 4 полсалони, зиёратгоҳ рўпарасида эса 23 метрдан иборат 6 полсалони этиб кенгайтирилди. Қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ахратувчи панжаралар ўрнатилди. Йўл бўйидаги ёриткичлар ҳам янгиланди. Ҳозирда ушбу йўл 1-тоифали йўл талабларига тўлиқ жавоб беради.

– Йўл-транспорт ҳодисалари жорий йилнинг саккизи ойида ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 28,4 фоизга камайди, – дейди вилоят ИИБ ЎХХБ бўлими бошлиғи Улуғбек Нурмухамедов. – Пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари 21,1 фоизга, хусусан, болалар иштирокидагиси эса 34,8 фоизга камайди. Албатта, бу мамлакатимизда йўлларни халқаро меъёрлар даражасига келтириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

"Йўл азоби – гўр азоби", дейишган ота-боболаримиз. Бугун бу ибора мантаник эскирди. Йўлсозлик борасида амалга оширилаётган ишлар пировардида йўллар йўловчига азоб эмас, маданий ҳордиқ бағишламоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз йўлсозлик соҳасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари хайдовчиларнинг йўл билан боғлиқ сарф-харажатларини кескин қисқартириш, йўловчилар узоғини яқин қилиш, айниқса, хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш баробарида, атмосферага заҳарли газлар чиқаришининг олдини олиш, бинобарин, табиат мусофоллигини асрашга хизмат қилаётир.

Азизбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

Хушхабар

Олмалиқ шаҳрида Россиянинг "Миллий технологик тадқиқотлар университети" "МИСиС" филиали ўз фаолиятини бошлади. Мазкур таълим даргоҳида республиканинг ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрланади.

ОЛМАЛИҚДА
«МИСиС»
ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизматининг маълумотига кўра, 2018-2019 ўқув йилининг кундузги бўлими учун "Тоғ иши", "Металлургия", "Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни автоматлаштириш ҳамда бошқариш" йўналишларига 150 нафар талаба қабул қилинган.

Ушбу олий таълим даргоҳида таълим бериш жараёнига маҳаллий мутахассислар билан биргаликда Россиядаги ва хориждаги етакчи олий ўқув юртида педагогик таърибага эга бўлган россиялик ўқитувчилар ҳам жалб этилган.

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон ва Россияда олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган "МИСиС" МТТУнинг белгиланган намунадаги дипломи берилари.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА

Берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида 30 август куни Вазирлар Маҳкамасининг "2018 йил ҳосили пахта хомашёсини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда пахта йиғим-теримини мутлақо янгича тизим асосида ташкил этиш ва теримчиларни рағбатлан-

даромад олиш имкони берилганидан хурсанд бўлдим. Вилоятимизда ҳар кило пахта учун 950 сўмдан 1300 сўмгача тўланаётган экан. Энг муҳими, хашарчилар далама-дала сарсон бўлишмас экан. Улар учун шийон ва ётоқхоналар ҳозирланиб, зарур шарт-шароитлар яратилибди. Пахта майдонларининг ўзида кўча банк шахобчалари ташкил қилинибди. Ҳисоб-китоб кунлик ёки ҳар беш кун-

Ўзимча ҳисоблаб чикдим: агар ўн кун пахта терсам, камида 800-900 минг сўм топар эканман. Фурсатни бой бермаслик мақсадида, тезда туман Бандликка кўмаклашиш марказига етиб бордим. Бу ерда яна бир янгиликни эшитдим. Теримчилар оладиган даромаддан Пенсия жамғармасига (8 фойз) сугурта бадали ушлаб қолинмайдиган бўлибди. Қўшимча даромад олиш мақсади-

боис, биз нуронийлар бир четда қўл қовуштириб ўтиришимиз ярамайди. Шу кунларни ғанимат билиб, ҳосилни нест-нобуд қилмай тезроқ териб олишга ҳиссамизни қўшишимиз, ёшларимизга ибрат бўлиб, керак жойда насихат қилишимиз лозим. Очиги, авваллари пахта терими-га мажбуран юборилганлар ойлаб уйига келмаган. Энг ачинарлиси, ётоқ жойлари жуда ноқулай, юви-

Нима бўлганда ҳам шу кунларга етганимизга шукр.

Шаҳзод ПАХМИДДИНОВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини меҳанизациялаш муҳандислари институти талабаси:

– Бу йилги пахта мавсумида теримчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, хурсанд бўлиб кетдим. Қувонганимнинг босиси, айрим ишсиз юрган тенгдошларим учун қўшимча даромад топиш имконияти пайдо бўлганида!

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Мурожаатини ўқиб, уни ишсиз юрган танишимга кўрсатдим. У пахта терими учун тўланадиган ҳақ, теримчилар учун яратилган шароитларни катта қизиқиш билан қайта-қайта ўқиди. "Яхшигина даромад олсам бўлар экан-ку", деб, албатта, пахта йиғим-теримига боришини айтиди.

Ўзим ҳам дам олиш кунлари уйимизга яқин пахта даласига бориб, теримда қатнашмоқчиман. Ахир, қиш яқин, эҳтиёжларим учун етарли маблаг топсам, бундан ота-онам ҳам хурсанд бўлишади-да.

Тошкент ҳақиқати муҳбири
Абдусалим МАҲМУДОВ
ёзиб олди

ИХТИЁРИЙ ДАРОМАД БОР, МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ЙЎҚ

тиришининг аниқ мезонлари белгиланди.

Куни кеча Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Мурожаати эълон қилингани эса кўнгилли фуқароларнинг сафи янада ошишига хизмат қилмоқда. Мурожаатдан руҳланган айрим юртдошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик:

Шаҳобиддин ЮНУСОВ,
паркентлик теримчи:

– "Тошкент ҳақиқати" газетасида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Мурожаатини ўқиб, қўшимча

лиқда қилиниши ҳам аини мудоао.

Бир неча йил давомида пахта теримига бориб, анча тажрибам ошган. Биринчи теримда 100 килограмм пахтани ўйнаб-қулиб тераман. Агар астойдил ҳаракат қилсам, 120-130 килограммгача оширишим мумкин.

Яна бир яхши хабар эшитдим: вилоятимиз туманлари устам тўланадиган ҳудудларга кирибди. Эндиликда туманларда Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан қўлда терилган бир килограмм пахта учун қўшимча 150 сўм, озиқ-овқат харажатларига 150 сўм, жами 300 сўм устам ҳақ тўланадиган бўлибди.

да пахта йиғим-теримида қатнашиш учун марказга мурожаат қилиб келётган кўнгиллилар кўп экан. Шу ернинг ўзида фуқаролар рўйхатга олиниб, отрядларга бўлинапти. Мен ҳам навбат кутиб, отрядларнинг бирига қўшилдим.

Ҳикмат ЭШОВ,
меҳнат фахрийси:

– Тунов куни чойхонада улфатларим билан газетани чоп этилган Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг Мурожаатини ўқидик. Мурожаатда биз, нуронийлар алоҳида тилга олинганимиздан руҳланиб кетдик. Пахта – миллий бойлигимиз. Шу

ниб-таранишга умуман шароит бўлмасди. Арзимаган ҳақ деймиз, ўшани ҳам ярмини овқат пулига деб, ушлаб қолишарди.

Бу йилги пахта терими учун тўланадиган иш ҳақи анча баланд экан. Теримчилар учун яхши шароитлар яратилганини ўқиб, қани энди ёш бўлсаму, пахта териб, бир ҳаммани ҳайрон қолдирсам, деган фикр ҳаёлимдан ўтгани рост. Сабаби, ёшлигимда бир кунда 150 килограмм пахтани қийинчиликсиз терардим. Шунинг эсланишига тенгдошларим: "Агар ёш бўлганимда, кунига бир ўз йигирма минг сўмни кўртдек санардим-а", деб ичимни қиздиришди.

«ХАЗИНА»СИ БОР ХОНАДОНЛАР

Вилоятимизда аҳолининг томорқа ер майдонларидан унумли фойдаланиш маданиятини тўлақонли шакллантириш мақсадида "Энг намунали томорқа ер эгаси" кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Танлов

Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманидаги 37 та маҳалла фуқаролар йиғинида мана шундай кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда 40 га яқин намунали томорқа эгалари иштирок этиб, голиблар саралаб олинди.

– Халқимизда "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", деган ажойиб нақл бор, – дейди Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштирувчи туман кенгаши раиси ўринбосари Назира Саломхонидова. – Томорқадан унумли фойдаланиш хонадон фаровонлигига катта аҳамиятга эга. Айни вақтда туманимизда "Томорқа – қўшимча даромад манбаи" шиори остида босқичма-босқич ўтказилган "Энг намунали томорқа ер эгаси" кўрик-танлови аҳолининг қўшимча даромад олиш манбаларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Танловнинг "Энг намунали иссиқхоначи" йўналиши бўйича "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинидан Донийр Аҳмедов хонадони голиб деб топилди. Шунингдек, "Энг намунали асалари бокучи" йўналишида "Чақмоқ" маҳалла фуқаролар йиғинидан Абубакир Норбўтаев хонадони 1-ўринни эгаллади. "Энг намунали мевачи" йўналишида "Пахтазор" маҳалласидан Айдер Топчи хонадони голиб бўлди. Нихоят, "Энг намунали полизчи" сифатида "Ўҳжа" маҳалласида истиқомат қилувчи Тўхта Аҳиловлар оиласи танлаб олинди.

Ҳолида ЭҒАМБЕРДИЕВА

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 26 сентябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 12-17 даража илқ, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилотида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан эсётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 12-17 даража илқ, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Чиноз тумани ҳокимининг 2018 йил 20 сентябрдаги № 2116-сонли қарорига асосан, "Чиноз деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Янги Чиноз балиқ бозори" савдо мажмуасидаги 58 та махсус ажратилган ҳовузларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик субъектларига бериш бўйича очик танлов ўтказиш белгиланган.

Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик субъектларига ижара ҳуқуқи асосида фойдаланишга бериш учун махсус ажратилган ҳовузларнинг ҳар бир кв. метр майдони учун бир кунга ундириладиган тўловнинг бошланғич нархи 2000 сўм миқдоридан белгиланган.

Очиқ танлов Чиноз тумани "Янги Чиноз балиқ

бозори" савдо мажмуасида 2018 йил 30 сентябрь куни соат 14.00 да ўтказилади.

Барча маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик субъектларини очик танловда қатнашишга таклиф этамиз.

"Чиноз деҳқон бозори" МЧЖ маъмурияти

«E-AUKSION.UZ» – ТАДБИРКОРЛИК САРИ ШАФФОФ ЙЎЛ

Зангиота туманида e-auction.uz веб-сайтига киритилган тадбиркорлик лойиҳалари кўргазмаси ўтказилди. Унда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотик ва таълим каби қатор йўналишларда 200 га яқин лойиҳа тақдим этилди.

Қарор ва ижро

ларнинг ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишга ҳужжатларни расмийлаштириш мудоатлари чўзилишига сабаб бўлар ва бюрократик тартиб-таомиллар ва тўсиқларни қисқартиришга хизмат қилмоқда.

Сир эмас, тадбиркорлик фаолияти учун ер участкалари беришда қўллаб-қувватлаш ҳолатлари учраб туради. Бу эса ер участкаларини беришнинг танлов тартиби лозим даражада йўлга қўйилганидан далолат. Ўз навбатида, ер участкаларини бериш бўйича материалларни кўриб чиқиш ва келишишда ваколатли орган-

ва қулоқларимга ишонмай турибман. Наҳотки, кўрган-кечирганларимиз тарихда қолди. Шуларни ўйлаб, ич-ичимдан "Давринг келди – тадбиркор!" деган бир нидо отилиб чиқмоқда.

Дарҳақиқат, қарорга мувофиқ, доимий фойдаланишга бериладиган ер участкаларини ажратиш бўйича материалларни йиғиш ва ваколатли ташкилотлар билан келишиш тартиб-таомилларини бажариш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими йўлга қўйилди. Интернет тармоғида электрон онлайн-аукционлар ташкил этиш марказининг e-auction.uz веб-сайти ишга туширилди.

Энди электрон онлайн-аукционларда ҳар қандай шахсга e-auction.uz веб-сайти орқали иштирок этиш имкония-

ти яратилди. Бунинг учун электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ариза-ни бериш ва лойиҳанинг бошланғич тўлов пулини кiritиш шарт. Бундан ташқари, бевосита аукционни ўтказиш ва голибни аниқлаш жараёни махсус дастур орқали амалга оширилиши, унга ташқаридан аралашинишнинг мутлақо имкони бўлмаслиги мавжуд муаммоларни бартараф этиб, тадбиркорлик ривожини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Кўргазмада тадбиркорлик лойиҳаларини тақдим этиш билан бир қаторда, иштирокчиларнинг тумандаги бўш ер майдони ва объектларда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга оид таклифлари қабул қилинди.

Ў.А.

Шодиянинг йўл-йўриғига кўра, фоҳишалик қилишга кўнган қиз ўз ихтиёри билан хорижга кетаётгани, бунга уни ҳеч ким мажбурламагани ҳақида тилхат ёзиб берса бас – ҳаммаси "окей!" Борди-ю, Собира

Бир жиноят шарҳи

Инсоннинг ҳақиқий инсонлиги, аввало, унинг ҳалоллигида кўринади. Айниқса, бизнинг Шарқ аёлларида ҳалоллик шарм-ҳаё, ор-номус туйғу-лари билан уйғунлашиб кетган.

Афсуски, ўз шаънига доғ тушириб, фарзандлар тарбиясидаги масъулиятни унутган, қабоҳат ботқоқига ботган аёллар ҳам учраб туради. Яқинда жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судида бўлиб ўтган суд жараёни-ларида уч нафар аёлнинг содир этган қилмишлари билан таниша туриб, шу мулоҳазалар шууримизни ёритиб ўтди...

ШАЙТОНГА БЎЙСУНГАН БЕЮЗЛАР

хуқуқ-тартибот органларининг қўлига тушиб қолса, ёзиб берилган тилхатни кўрсатиб, сувдан қуруқ чиқиб кетаверади.

Собира Шодиянинг ақлига қойил қолди: "Бунча қадаст бўлмаса бу? Энди уни этагидан маҳкам тутмасам бўлмайди..."

Кўнглидан ўтган бу фикрдан ғайрати ошиб кетган Собира шу куннинг ўзидаёқ қизларни "ов"лашга киришди. У топган "ўлжа" – Ноила-нинг расмини Шодия хориждаги қўшмачиларга юборди. Дастлабки "номзод" рад этилди.

Собира нима қиларини билмай, каловланиб турганида Мастура исми таниши ёдига тушди. Тезда унинг уйига борди. Йўлда кетаётиб, гани нимадан бошлаши-ю, мақсадини қандай тушунтиришни пиштиб олди.

Аслида, Мастуранинг уйига келмаганига ҳам анча бўлганда. Билдики, у яна фарзандли бўлибди. Уни табриклаб, гўдагига узок умр тилди. Мезбон меҳмонга бир пиёла чой узатишга улгурмасдан, Зебо исми аёл келиб қолди. Бу ҳолатдан қандай фойдаланишни билмай турган Собира айёрликка ўтди. Ўзаро салом-алик, қисқача танишувдан кейин

топаётган уйдирмалари Зебога таъсир қилди. У Лола исми таниши иш қидираётганини айтиб, Собирадан: "Шодия уни сотувчиликка олмасмикин?" деб сўраб қолди...

Бу эса айни мудоаанинг ўзи эди. Собира аввалига ўзини иккилангандек кўрсатиб, "Ҳа майли, савоб ҳам керак", қабилида Шодияни кўндиришга ваъда берди. Зебонинг севинчи ичига сиймасди, Лолага тезроқ янгиликни етказишни истади. Собира тез орада масалани ҳал қилишни, лекин Лоланинг расми керак бўлишини, сотувчи қиз мижозлар билан ишлагани учун унинг кўриниши муҳимлигини тушунтирди. Кўнгли тинчланган Зебо Лоланинг расмининг Собиранинг телеграммига шу куннинг ўзида жўнатиб юборадиган бўлди.

Зебо кетганидан кейин, Собира дангал мақсадга қўчди. Агар Лолани кўриниши маъқул келса, уни хорижга фоҳишалик учун юбориши мумкинлигини шипшиди. Бу гапдан бир оз довдираб қолган Мастурага

билдириб, ўз қўли билан тилхат ёзиб берса, ким нима қила оларди? Ҳеч ким уни ёқасидан олиб судраб кетмайпти-ку? Ўзи қилган ишга ўзи жавоб бераверди-да..."

...Шодияга Лоланинг расми етиб борди. Расм хориждаги қўшмачилар "тасдиғи"дан ўтди. "Ов" бароридан келаятганидан қувониб кетди: "Ҳа, қўлиқликина нарса эканда, ўзим. Бирок, Собира уни кўндира олармикан? Рози бўлмаса-чи? Бир йўлини топиш керак. Шундай гўзални кўлдан чиқариб бўладими?..."

Собира Мастураддан Лолани қандай кўндириш мумкинлигини сўради. У бунинг эълоли олишини, аниқ рози бўлишини ишонч билан айтди.

Эртаси куни Мастура Лола ва Зебо билан кафедра кўришди. Дастлаб уларга ҳаёт ҳақиқатлари, турмуш қийинчиликларининг огирлиги ҳақида фалсафа сўқиди. Айни шу вақтда хорижга ўз хоҳишин билан кетаяпман, деган мазмунда тилхат ёзиб бериши кераклигини айтиб,

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Олов – тилсиз ёв. Ундан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Содир бўлаётган ёнғинлар, асосан, бепарволик, электр ускуналари, иситиш печлари ва мўриларнинг носозлиги, шунингдек, ёш болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида келиб чиқмоқда.

«101» огоҳлантиради

Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ҳодимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштириляпти. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари узлуксиз олиб боришмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан қўзланган мақсад – аҳоли, уларнинг турар-жойлари, қолаверса, мол-мулкларини офатдан асрашдир.

Зотан, тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳодимларининг иши эмас. "Ўз уйингни ўзинг асра", деган шорга ҳар бир фуқаро, оила, қорхона ва ташкилот ҳодимлари амал қилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлайлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилайлик!

М. ЮЛДАШЕВ,
ЁХБ инспектори

Зебодан қозғо билан ручка олиб келишини сўради. У чиқиб кетгандан кейин Мастура Лолага ҳамма гапни очик-ойдин айтди-қўйди. Бу гаплардан довдираб қолган қизни тинчлати-тирди. Илгари ҳам қизларни юборганини, уларнинг иши юришиб, катта пул билан қайтганини, хорижда қилган ишларини ҳеч ким билмаслигини, бир иложини қилиб, эрга тегиб олиш мумкинлигини тушунтирди.

Бу гаплардан Лоланинг кўнгли алғов-далғов бўлиб кетди. Олдида ўтирган аёл қиёфасидаги қабиҳликдан руҳан огирлашиб қолди. Ундан жиркана бошлади. "Бу аёл неча бунчалар разолат ботқоқига ботиб кетди? Уни ким йўлдан урди? Эри билармикан, шундай ишлар қилиб юрганини? Онги шунчалар заҳарланган бўлса, фарзандларига қандай тарбия берапти? Йўқ, бундай ёвузлар билан курашиш керак, улар, албатта, жазосини олиши шарт. Индамай, жим кетавериш виждонсизлик-ку!..."

Оқила ва жасоратли Лола ўзини тезда ўнглаб олдида, сездирмайгина телефонининг диктофонини ёқиб қўйди. Ўзини тақлифга кўнган қилиб кўрсатди. Хорижда қилган билан ишлаши, қандай кетиши ҳақида сўрай кетди. Унинг розилигидан қувонган Мастура бу ҳақда аниқ маълумот бера олмаслигини, лекин тезроқ керакли одамлар билан учраштиришни айтди.

Эртаси куни Мастура Шодия, Собира билан бирга Лоланинг олдида келди. Ишининг жиливини қўлга олган Шодия уни хорижда ким қутиб олишидан тортиб, бир кунда қанча мижоз қабул қилишию, қанчадан ортгани ўзига фойдага қолишигача тушунтирди.

Лола телефон диктофонига ёзиб олинган ҳамма суҳбатларни ҳуқуқ-тартибот органларига топширди. Қилимиш-қидирими, деганлари шу – жиноятчилар тезда қўлга олинди.

Биров айтса, ишонмайди-ган гаплар. Аммо, шу воқеалар шу замонда, орамиздаги одамлар ҳаётида содир бўлмоқда.

Афсус...

Маҳмуджон МАҲМУДОВ

Чирчиқ шаҳри, 9-кичик ноҳия, 20-уй, 42-хонадонга тегишли бўлган 01.05.2001 йилда рўйхатдан ўтган № 428-сонли уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бўка агросаноат ва транспорт қишлоқ хўжалиги коллежи томонидан 2016 йилда Сандисломов Саидмурод Сандисломович номига берилган К № 4444192-сонли рўйхат рақами 302 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Техника фанлари доктори, профессор Абдурашид Ҳасановнинг 60 йиллик умр йўлини ҳам ҳалоллик, тўғри-сўзлик, меҳнатсеварлик каби хислатлар беъзиди.

"Олмалик кон-металлургия комбинати"нинг нодир металлурги ва қаттиқ қотишмалар илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори ўринбосари,

тини "Олмалик кон-металлургия комбинати"нинг қўроғиш заводида бошлади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1983 йилда Тошкент политехника институтини (ҳозирги Техника университети)нинг Кон-металлургия факультетини тамомлади. Шундан сўнг Тошкент политехника институтини Кон-геология факультетини ассистентликдан

"Рух ва мис ишлаб чиқаришда техноген чиқиндиларни қайта ишлаш технологияси" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 300 га яқин илмий-услубий мақолалар, 12 та монография, 8 та ўқув қўлланма ва 15 та турли жанрдаги рисоалар яратди, шунингдек, 20 та муаллифлик гувоҳномаси ва патент эгаси.

лар Академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. Шунингдек, у Халқаро Инженерлар Академияси, Ўзбекистон инженерлари Федерациясининг ҳақиқий аъзоси ҳамдир.

Заҳматкаш олим давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол. Халқ депутатлари Олмалик шаҳар кенгаши депутати ва доимий комиссия аъзоси сифати-

корхона эканини, маҳаллий ёшларнинг бошқа шахарларга қатнаб ўқиш имконияти йўқлиги ва бу эса келгусида кадрлар етишмовчилигини келтириб чиқариши, алаҳқибат комбинат ривожига катта зиён етказишини ҳар томонлама исботлаб берди. Турли идоралар, га тинимсиз мурожаатлар, елиб-югуришлар бежиз кетмади. Ниҳоят, 2001 йили унинг саъй-ҳаракати билан Навоий кончили институтининг Олмаликдаги факультети, шунингдек, академик лицей ҳам ташкил этилди.

У бадий ижод соҳасида ҳам катта ютуқларга эришган. Унинг юздан зиёд шеър ва ҳикоялари, кўплаб мақолалари матбуотда эълон қилинган.

Олимнинг яна бир фазилати – ўта китобхонлигидир. Бугунги кунда унинг шахсий кутубхонасида юзлаб нодир адабиётлар тўпланган. А. Ҳасанов улардан маҳалла аҳли ва ёшлар кенг фойдаланишини назарда тутиб, уй музейи, кутубхона ташкил этган. Айни пайтда "Жилга" бадий этнографик тўраганини ташкил этиб, маҳаллий ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Абдурашид Ҳасановни умрининг бугунги баркамоллик палласи билан қизгин муборакбод этар эканмиз, унга янгидан-янги зафарлар, узоқ умр, мустақкам соғлиқ, оилавий бахт тилаймиз.

Абдурашид ИСОҚЖОНОВ,
вилоят Адлия
бошқармаси фохрийлар
кенгаши раиси

МОҲИРУ МЕҲРУ МАҲОРАТ, ОЛИМУ ИЛМУ АМАЛ...

"Ўзбекистон – Корея" илмий технологик маркази раҳбари вазифасида ишлаб келаётган Охангарон воҳасидан етишиб чиққан забардаст олимимизнинг таваллуд кунлари арафасида хушхабар эшитдик.

А. Ҳасанов илм-фан соҳаси ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Россия фанлар академияси томонидан таъсис этилган Альфред Нобель номидаги медалга сазовор бўлди. Бундан бир йилча аввал эса, унга Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг "Энг яхши ихтирочи" олтин медали топширилган эди.

Йигирмадан ортиқ ихтироси учун патент олган, Фанлар академияси мукофоти лауреати, Президентимиз томонидан "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган Абдурашид Ҳасанов 1958 йилда Охангарон туманининг кўҳна Обиз қишлоғида туғилди. Меҳнат фаолият-

Умр – инсон учун берилган энг буюк неъмат. Инсон ортидан яхши ном қолиши учун ҳалол меҳнат, тўғрисўзликни касб этади. Кексалик насиб этгач эса, ортига қараб, умр йўлларини сарҳисоб қилади. Шоир айтганидек: "Кексалик – умр нақши, ҳалолликдир беъзаги..."

Кутлов

факультет деканигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирги кунда Навоий давлат кончили институтини кафедра мудири, профессор лавозимида ишлаб, йирик инновацион лойиҳаларга илмий раҳбарлик қилмоқда.

А. Ҳасанов 1991 йили Москва пўлат қотишмалари институтини "Пирометаллургия усулида қаттиқ ва суюқ конвертер тошқолларини ҚСҚ билан аэроф-мухитни софлигини сақлаган ҳолда қайта ишлаш" мавзусида номзодлик, 2008 йилда



А. Ҳасанов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, халқаро ҳамда Республика миқёсидаги конференцияларнинг фаол иштирокчиси ҳамдир. Ўндан ортиқ мақолалари инглиз тилига таржима қилиниб, АҚШ, ХХР, Германия ва Саудия Арабистонига чоп этилган. 2009 йил 29 октябрда Халқаро экология ва ҳаёт хавфсизлиги фан-

да шахарнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишига катта ҳисса қўшди. Навоий давлат кончили институтининг "Олмалик кон-металлургия факультети" эса мутлақ А. Ҳасановнинг номи билан боғлиқ. Бир пайтлар бу факультет тугатилганида, А. Ҳасанов "Олмалик кон-металлургия комбинати" мамлакатимиздаги улкан стратегик

Чоршанба ҳикмати

Пиёда юриш вужудга ҳам, руҳга ҳам фойдали. Пиёда юрилганда инсон танасининг ҳамма аъзолари ҳаракатда бўлади. Томирларда қон айланиши яхшиланади, ўтирган-турганингизда гичирлаб овоз чиқарадиган тузлар эрийди, елка, бел, бўйин қотишларидан қутуласиз.

Аммо, бунинг учун ҳар кун оқиб ҳавода, бир маромда юриш керак. Ортиқча тезлашмай, оҳиста ва энгил қадам ташламоқ зарур.

ПИЁДАНИНГ ЎКИНЧИ ВА ЮПАНЧИ



Сизга ўхшаган бошқа бир киши пиёда юриб, ёнингиздан шитоб билан ўтиб кетса, ундан ўзмоқчи ҳаёлингизга ҳам келтирманг. Сиз, ўзингиз танлаган йўлдан, ўзингизга мос маромда юринг, сизни орда қолдириб кетаётганларга эргашиб, ортиқча чирканманг. Қутилмаганда қўқилиб кетишингиз мумкин.

Пиёда юрган одам йўлни, атрофни, йўлчи-йўлдошларини кузатиб боради. Йўлда бир нима ётган бўлса – тошми, кесакми, занглаган михми – четга олиб ташлаши мумкин. Болакайнинг оғзидан тушиб қолган нон ушогини, албатта, қўлига олади.

Пиёда юрган одам ҳаммаша ўзи каби пиёдалар орасидан ўтиб боради. Салом беради, саломга алик олади, йўллари тўғри келиб қолса, бир муддат ёнма-ён юриб, торроқ жойларда бир-бирларига йўл бериб, гурунглашиб борадилар.

Пиёда юрувчи одам тор кўчалар, муойиллар, чорраҳаларда турли хил тасодифларга дуч келади. Гоҳ дўст-қадрдонини кўриб қолади, гоҳ жини суймайдиган, ёқимсиз, сўзида маъно-матра йўқ кимса билан тўқнашиб кетади. Аслида бунинг ҳеч ёмон жойи йўқ. Кўча тасодифлари, тўқнашувлари унга ҳаётдан узоқлашиб кетмаслик имконини беради.

Пиёда юрган одам минг машаққат билан инига дон

ташиётган чумолини беҳос эзиб қўймайди. Чунки, у "Осмонга қараб, Собир, юрганлар қўқилгуси..." деганларидай, қадамини ўйлаб босади.

Пиёда одамни шохмат тахтасидаги пиёдага ўхшатиш бўладими? Бўлади. У, табиийки, баъзи тахтадошлар каби, майдоннинг у четидан бу четига бир ҳамлада етиб бормайди, буни яхши билади. Шу боис, асосан, ўзи каби пиёда донлар билан беллашади. Пиёдаларга хос вазминлик билан қадам ташласа, ҳудобехуда сакрамаса, бир-бирдан узоқлашиб кетмаса, курашининг ҳал қилувчи дамларида катта қўчга айланади.

Пиёданнинг юпанчи шунда! Аммо, ҳаёт деганлари, худди шохмат ўйинидай, ҳаммаша ҳам сокин кечмайди. Ногаҳонда ҳужум остида қоласиз, рақибингиз сизни қуршовга олади, қурбон бермаслигининг илоҳи йўқ, нажотсиз бўлса-да, гоҳ ҳимояга ўтасиз. От деганлари бошингиздан ошиб сакраб турса, фил деганлари "Таслим, таслим" дея наъра тортса, руҳ деганлари йўлнингизни тўсиб маҳв этса, фарзин деганлари қаерга борманг, гиппа томоғингиздан тўтса, қаёққа ҳам борасиз, кимдан нажот қутасиз?

Бундай пайтлари сизни осонгина, пинакларини бузмай, чойни ҳўриллатиб ичиб туриб, қурбон қилво-ришад. Дардингизни кимга айтишни билмай қолаверасиз.

Пиёданнинг ўқинчи шунда!

Аҳмад ОҒА

Ибрат



ОИЛА НИҲОЛИ

Янги турмуш қурган ёш оила ҳаёт ва оила ташвиши осон эмаслигига амин бўлишди. Аслида, икки ёш бир-бирини ёқтириб оила қурган эди. Яқингача улар ўз муҳаббатларини оғизларидан бол томиб изҳор қилишарди. Охирги пайтларда эса арзимас гап-сўз, "деди-деди"лардан ораларида жанжал чиқадиган бўлди.

Бир кун улар ўзаро муносабатлари ҳақида ўйлаб, бир қарорга келишди.

Йигит:

– Миямга бир фикр келди. Ҳовлига

Бекинмачоқ

– Тўққиз юзу тўқсон бир! Ким яширинишга улгурмаган бўлса, мен айбдор эмасман!

Мен топишни ёмон кўраман, лекин бу яширинишдан кўра яхшида. Қоронғи хонага кираман. Тиқ этган товуш эшитилмайди. Каминга қадалган нигоҳларни сезиб турибман. Ҳозир чироқни ёқсам, ҳаммасининг яширинган жойи маълум бўлади-қолади. Қизик, ўз-ўзингдан яшириниш учун хилват жой топилаётмикин?

Курт Хоман

Футбол

БИРИДА ҒАЛАБА, БИРИДА ДУРАНГ

Ўзбекистон Суперлигасининг 24-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Мазкур турда муҳлислар бир-биридан қизиқарли ва мурасасиз бахсларга гувоҳ бўлишди. Қувонарлиси, вилотимиз жамоалари ўзлари учун керакли бўлган натижаларни қайд этиб, муҳим очколарни қўлга киритишди.

Бекободнинг "Металлург" жамоаси Наманганда маҳаллий "Навбахор" клуби билан куч сынашди. Бу ўйинда майдон эгалари рақибларига нисбатан бир оз устулик қилишди. Жамоаларнинг барча саъй-ҳаракатларига қарамай, ушбу бахсда дарвозаларга бирорта ҳам тўп киритилмади. Беллашув 0:0 ҳисобидан, нурсиз дуранг билан яқунланди. Мазкур ҳисоб "Металлург"ни тўлиқ канотланттирди. Буни ўйин яқунлангандан сўнг ташкил этилган матбуот анжуманида жамоа бош мураббийи Андрей Шипиловнинг айтган сўзларидан ҳам сезиш мумкин:

– Рақибимиз анча кучли жамоа бўлгани у ун мазкур ўйинга пухта тайёргарлик кўргандик. Кутганимиздек, Наманганда қимматли бир очкони қўлга киритдик. Ҳозирги вазиятда,

бу биз учун ихобий натижа. Мазкур тур доирасида "ОКМК" жамоаси ўз уйда Жиззахнинг "Сўғдиёна"сини қабул қилди. Олмаликдаги марказий стадионда ўтган баҳс мезбонлар устулигида бошланди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаги шиддатли ҳужумлар жаззхликларни саросимага солиб қўйди. Аммо, "ОКМК" футболчилари бир неча қўлай вазиятлардан фойдалана олишмади. Ҳисоб биринчи бўлимнинг охирида очилди. "Сўғдиёна" футболчиси ўз жарами майдонида қўли билан ўйнагани учун ҳакам 11 метрлик жарама белгилади: Йован Жокич зарбада адашмади. Иккинчи бўлимда ҳам майдон эгалари устулик қилишди ва 54-дақиқада Зафар Полвонов ҳисобни 2:0 га етказиб, жамоаси ғалабасини таъминлади.

Ўз мухбиримиз

Биз англаган маош асли маъно ҳосиласи. Қадимдан давлат хизматидаги кишиларга маош тайинланган, яъни тирикчилиги таъминланган.

Бу сўзга ўзқадш бўлган маишатнинг қисмати ажойиб. Яшамок маъносидида бу сўз бугун ўзбеклар орасида айш-ишратни билдирса, урду тилида сўзлашувчи ҳиндлар уни иқтисод маъносидида ишлатар эканлар.

Биламизки, ҳинд, урду тилларида бизга таниш сўзлар кўп. Бу сеҳрли юрт хондаларининг қўшқларида муҳаббат, инсон, олам, осмон сўзларини эшитсак яраймиз. Халқларимиз ўртасидаги асрий дўстлик ришталарини эслатиб туради бу жаҳонгашта сўзлар.

Яна унутмаслигимиз кераки, бизга таниш ҳамма сўзлар ҳам биз тушунган маънони аңлатмайди.

Агар Ҳиндистонга журналист сифатида борган бўлсангиз, зинҳор ба зинҳор камини мухбирман, дея кўрманг. Мен ярамас айёқчиман, деган бўласиз. Чунки, камини тубан, пасткаш маъносини аңлатади. Мух-

бир эса айёқчи, жосус демакдир.

Яна бир маслаҳат, ҳиндистонлик дўстингизни Ватанга тақлиф қилмоқчи бўлсангиз, асло, сенга тақлиф олиб келдим, ёки тақлиф юбораман, деб айтманг. Негаки, тақлиф сўзи кулфат келтириши билан бир эса айёқчи, жосус демакдир.

У юртларда биров сизга хор-зор одамларни кўрсатиб, уларни ифлос деса, ёки ифлосдан қутулиш ҳақида гапирса, ҳаёлингиз бузулмасинки, гап қашшоқлар тўғрисида, қашшоқликни йўқотиш устида бораётган бўлади.

Ифлос ва муфлис сўзларини мумтоз адабиётимизда ҳам фақир, йўқсиз маъносидеда кўплаб учратамиз. Келинг, ёмон сўзларни четга суриб, ўзимизнинг ҳар жиҳатдан ёқимли маош сўзимизга қайтайлик.

Бу сўзнинг емак ва иш ҳақи маънолари бизга юнон тилидан кириб келган диета сўзининг икки маъносини эслатади. Диетани биз парҳез ўрнида ишлатамиз. Лекин, аслида диета таом демакдир. Емакнинг ҳамма хили, қаз-қарта ҳам, ёвгон шўрва ҳам диета ҳисобланади. Арслоннинг диетаси кийик, кийикнинг диетаси гиёҳ.

Қадимги Юнонистонда энг юқори давлат органи бўлган халқ мажлиси аъзоларига бериладиган иш ҳақи ҳам диета деб аталган.

Юнонча бу сўзнинг ҳаёт кечирish маъноси ҳам, танаовул маъноси ҳам, маблағ маъноси ҳам арабча маошга мувофиқ келди.

Энди бир савол қолди. Ўзимизнинг ош маошдан келиб чиққан эмасмикин ва ё, аксинча, ош сўзининг плов сингари жаҳонгашта бўлиб араб юртига саёҳат қилмадимкин?

Бу масала ечимини билимдон тилшуносларимизга қолдириб, сўзимни нуқта билан эмас, каттақон савол белгиси билан тугатаман.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин ВОҲИДОВНИНГ «Сўз латофати» китобидан

ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Спортчиларимиз катта мақсад ва марраларни кўзлашгани улар эришяётган ғалабаларда ҳам намоён бўлмоқда. Осиё ўйинларидан ташқари, жорий йилнинг 21-30 август кунлари Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам вакилларимиз муносиб иштирок этиб қайтдилар. Мазкур мусобақада 196 та давлатдан жами 388 нафар спортчилар қатнашган бўлиб, бокс бўйича вилотимизнинг ёш чарм қўлқоп ustalари Абдумалик Халаков олтин, Наво Тамазов эса бронза медалига мушарраф бўлишди.

Рағбат ва эътибор ҳаммаша катта ютуқлар сари йўл очади. Худди шу мақсадда ташкил этилган маросимда голиб спортчилар билан бир қаторда уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийлари, оила аъзолари ва яқинлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.



Вилот ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилов Рустамов ёшларимиз эришяётган ютуқларни завқ билан тилга олар экан, музаффар спортчиларни тарбиялаган ота-оналари ва устозларига самимий миннатдорлик билдирди. Ёш ва умидли спорт юлдузларининг ота-оналарига вилот ҳокимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғаларини топширди.

Маросимда сўз олганлар давлатимиз раҳбари раҳнаомлигида кўпгина соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спорт жаҳзасида ҳаётга татбиқ этилаётган қўламли дастурлар, спортчи ёшлар қатори уларнинг устоз ва мураббийларига кўрсатилаётган доимий эътибор ва рағбат ўзининг тотли медалларини бераётгани, бинобарин, ёшларимиз бунданда юксак марраларни забт этиш иштиёқида эканликларини мамнуният билан таъкидладилар. Шунингдек, 8-16 октябр кунлари Аргентинада ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга отланаётган вакилларимизга оқ йўл тиладилар.

Ширинхон МҲМИНОВА
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилоти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
11 860 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-58-85 (факс)
233-70-10
233-55-38
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Т. Махмуджоев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Навбатчи
Абдусалим МАҲМУДОВ
Назоратчи мусаввиҳ
Аллома АЗИЗОВА